
ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДА ЧИҚАРИЛГАН МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ.

Блогер Нигора Алимова томонидан Facebook ҳамда Telegram саҳифалари орқали “СарсонБўлдимБорЙўқолДебҲайдашди...” номи остида чиқарилган тадбиркор мурожаати туман ҳокими ҳамда тегишли ташкилот раҳбарлари иштирокида атрофлича ўрганилиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди.

Данғара ширкат хўжалигининг Чодаклик қишлоғи худудидаги томорқа ер майдонидан Қўқон шаҳрида яшовчи фуқаро Боймуродов Бахтиёржонга аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қурилишини лойиҳалаш ва қуриш учун ер майдони танлаш ҳамда ажратиш ҳақидаги туман комиссиясининг 2004 йил 2 августдаги далолатномасини ва Данғара ширкат бошқарув аъзоларининг 2004 йил 15 сентябрдаги 28/1-сонли йиғилиш қарорларига асосан Боймуродов Бахтиёржонга аҳолига маиший хизмат курсатиш шахобчалари қурилишини лойиҳалаш ва қуриш учун жами 783,0 кв.метр ер майдони шундан Доимий фойдаланиш учун 144,0 кв.м вақтинча фойдаланиш учун 639,0, кв.метр «Тошкент-Кукон-Уш» автомобиль йулининг химоя худуди бўлиб у ер майдонига капитал қурилиш қилмаслик шарт билан Данғара тумани ҳокимининг 19 январ 2006 йилда қарори тасдиқланган.

Шунингдек фуқаро Боймуродов Бахтиёржон томонидан “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш” бино иншоатларини 60%га қуриб битказилганлиги бўйича эгалик ҳуқуқи берилиши бўйича 2018 йил 27 июл куни Данғара тумани ҳокимининг 886 сонли қарори чиқарилган.

Туман халқ қабулхонасида туман ҳокими, сектор раҳбарлари, фуқаро Боймуродов Бахтиёржон ҳамда Чодаклик қишлоғи аҳолиси ва блогер Нигора Алимова иштирокида ушбу масала тўлиқ муҳокама этилиб ўтилди.

Маҳалла аҳолиси томонидан маҳаллага кириш йўли ажратилиши бўйича мурожаатлари ҳам эшитилди. Муҳокама жараёнида ҳар икки томон ўзаро келишиб олинди. Ушбу мурожаат тўлиқ бартараф этилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)

2022-04-30 09:30:39